# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 25 ноябрь, № 251 (8594) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БМТНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТЛАРИ УЧУН МАХСУС ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни Боку шаҳрида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этди.**

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Хожамират Гелдимирадов, БМТ Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Татьяна Молчан ҳамда Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАП) ижрочи котиби Армида Алисжабана, шунингдек, фахрий меҳмонлар — Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ва Грузия Бош вазири Ираклий Гарибашвили, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жасим Ал-Будайвий қатнашди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида барча иштирокчиларни 1998 йилда Тошкент декларацияси билан таъсис этилган дастурнинг 25 йиллиги ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу қутлуғ санага бағишланган алоҳида резолюцияси қабул қилингани билан дилдан қутлади.

Ўзбекистон етакчиси Озарбайжоннинг самарали раислигида СПЕКА доирасидаги минтақавий ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз қайд этганидек, мазкур муҳим платформа Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий шерикликнинг амалий механизми сифатида ўзининг ниҳоятда зарурлигини яққол кўрсатди.

Дастур доирасида тижорат, коммуникация, транспорт ва логистика, рақамлаштириш, энергетика, сув ресурслари, экология, гендер тенглиги ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 400 дан ортиқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди, савдони соддалаштириш ва инновацион ривожланиш стратегиялари қабул қилинди.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва ишонч муҳити кучайиб, интеграция чуқурлашаётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

— Ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ва Венгрия билан саноат кооперацияси ва инфратузилма бўйича йирик дастурларни амалга оширмоқдамиз. Қўшма инвестиция компанияларини ташкил этиб, молиялаштириш механизмларини йўлга қўйдик. Чегара ҳудудларида замонавий савдо-логистика марказлари ва махсус иқтисодий зоналар барпо этилмоқда, — деди Президент.

Ҳозирги глобал геосиёсий беқарорлик шароитида минтақа мамлакатлари дуч келаётган хавф-хатарларга эътибор қаратиб, Ўзбекистон етакчиси СПЕКА доирасидаги минтақавий ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича қатор амалий ташаббусларни илгари сурди.

Дастурни иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасида янада таъсирчан минтақавий платформага айлантириш мақсадида шерикликнинг асосий йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлар фаолияти самарадорлигини кескин ошириш, дастурнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

БМТ Европа иқтисодий комиссияси ҳамда ЭСКАП экспертлари билан биргаликда "СПЕКА — 2030" тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Минтақавий савдони рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва экспорт-импорт операцияларини техник тартибга солиш чораларини уйғунлаштириш борасида жаҳондаги энг илғор тажриба ва амалиётларни жорий этишни назарда тутадиган қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ушбу чораларнинг қабул қилиниши, Президентимизнинг фикрича, давлатларимиз ўзаро савдо айланмасини 2030 йилга бориб 100 миллиард долларга, унинг таркибидаги саноат маҳсулотлари улушини эса 70 фоизга етказиш имконини беради.

"Яшил" иқтисодиёт, инновациялар, юқори технологиялар, логистика, муқобил энергетика, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш ва бошқа соҳалардаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида СПЕКАнинг Мақсадли жамғармасини келгуси йилнинг ўзида ташкил этиш ва унинг амалий ишини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

— Жамғарма халқаро тараққиёт институтлари билан фаол ишлаши, устувор лойиҳа ва дастурларга молиявий ресурслар ва грант маблағларини энг мақбул шартларда жалб этиши лозим. Ўзбекистон ҳам уни шакллантириш учун ўз молиявий ҳиссасини қўшишга тайёр, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзаро боғлиқ транспорт йўлакларини ривожлантириш ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз Транскаспий мультимодал йўлаги доирасида маълумот алмашиш жараёнини рақамлаштиришга қаратилган "Йўл харитаси"ни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йилда Ўзбекистонда "Рақамли транспорт маршрутлари" халқаро форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН МАХСУС ДАСТУРИ – СПЕКА САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури — СПЕКАнинг илк саммитини ташкил этиш ташаббуси ва кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиев номига билдирилаётган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Шуни алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, Озарбайжоннинг самарали раислигида Дастуримиз доирасидаги минтақавий ҳамкорлигимиз мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Бу йил Женевада ўтган вазирлар учрашуви, шу кунларда Бокуда бўлаётган "СПЕКА ҳафталиги" ва албатта, бугунги тарихий саммитимиз кенг минтақамизни глобал аҳамиятга молик ўзаро боғлиқлик марказига айлантиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли ҳамкасбларимни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори мартабали вакилларини ва тадбирнинг барча иштирокчиларини қўшма Дастуримиз таъсис этилганининг 25 йиллиги билан чин дилдан табриклайман.

Куни кеча СПЕКАнинг ушбу қутлуғ санасига бағишланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг алоҳида резолюцияси қабул қилинганини катта мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Тошкентда асос солинган мазкур муҳим платформа Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий шерикликнинг амалий механизми сифатида ўзининг ниҳоятда зарурлигини яққол кўрсатди. Унинг доирасида тижорат, коммуникация, транспорт ва логистика, рақамлаштириш, энергетика, сув ресурслари, экология, гендер тенглиги ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 400 дан ортиқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилгани, савдони соддалаштириш ва инновацион ривожланиш стратегиялари қабул қилингани ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Айниқса, сўнгги йилларда Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва ишонч муҳити кучайиб, интеграция чуқурлашаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман. Биз муҳтарам ҳамкасбларимиз билан биргаликда қандай қийин масала ва мураккаб муаммоларни самарали ҳал қилганимизни барчангиз яхши биласиз.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ва Венгрия билан саноат кооперацияси ва инфратузилма бўйича йирик дастурларни амалга оширмоқдамиз. Қўшма инвестиция компанияларини ташкил этиб, молиялаштириш механизмларини йўлга қўйдик. Чегара ҳудудларида замонавий савдо-логистика марказлари ва махсус иқтисодий зоналар барпо этилмоқда.

Шу ўринда ҳурматли Илҳом Ҳайдарович раҳбарлигида тарихий адолат тикланган ва озод этилган Озарбайжон ҳудудларида олиб борилаётган мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Албатта, бу хайрли ва кенг кўламли ўзгаришлар минтақавий ҳамкорлигимизни ривожлантиришда янги имкониятлар эшигини очишига ишонаман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳозирги глобал геосиёсий беқарорлик шароитида мамлакатларимиз қандай оғир хавф-хатарларга дуч келаётганини жуда яхши ҳис қилиб турибмиз. Замонавий таҳдидларга қарши самарали курашиш минтақавий ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни, бир-биримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда.

Бу борада қуйидаги асосий йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан,** Ўзбекистон СПЕКА дастурини иқтисодий ҳамкорлигимизни кенгайтириш борасида очиқ ва янада таъсирчан минтақавий платформага айлантириш тарафдоридир.

Шу мақсадда шериклигимизнинг асосий йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлар фаолияти самарадорлигини кескин ошириш, Дастуримизнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссияси ҳамда ЭСКАТО экспертлари билан биргаликда "СПЕКА — 2030" тараққиёт концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Иккинчидан,** Дастуримиз доирасида Минтақавий савдони рағбатлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Сўз, энг аввало, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва экспорт-импорт операцияларини техник тартибга солиш чораларини уйғунлаштириш борасида жаҳондаги энг илғор тажриба ва амалиётларни жорий этиш ҳақида кетмоқда.

Таҳлилларга кўра, давлатларимиз ўзаро савдо айланмасини ҳозирги 52 миллиарддан 2030 йилга бориб 100 миллиард долларга, унинг таркибидаги саноат маҳсулотлари улушини эса 70 фоизга етказиш учун барча имкониятлар мавжуд.

**Учинчидан,** ҳамкасбларим таъкидлаганидек, СПЕКАнинг Мақсадли жамғармасини ташкил этишни тезлаштириш ва келгуси йилнинг ўзида унинг амалий ишини йўлга қўйиш керак.

Жамғарма фаолияти, биринчи навбатда, "яшил" иқтисодиёт, инновациялар, юқори технологиялар, логистика, муқобил энергетика, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш ва бошқа соҳалардаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Жамғарма халқаро тараққиёт институтлари билан фаол ишлаши, устувор лойиҳа ва дастурларга молиявий ресурслар ва грант маблағларини энг мақбул шартларда жалб этиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

**Биз ва жаҳон**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПРАГМАТИК СИЁСАТИ

**унинг СПЕКА доирасидаги кўп томонлама, очиқ, амалий ва ўзаро манфаатли шерикликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади**

*Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури саммитидаги иштироки ҳақида.*

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) саммитида қатнашди.

Давлатимиз раҳбари саммитда сўзга чиқиб, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий шерикликнинг самарали механизми сифатида СПЕКА платформасининг долзарблигини таъкидлади, шунингдек, биргалашма доирасидаги ҳамкорлик натижалари қайд этди.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида республика раҳбари «СПЕКА — 2030» тараққиёт концепциясини, Минтақавий савдони рағбатлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни, СПЕКАнинг Мақсадли жамғармасини ташкил этишни тезлаштиришни, кўп томонлама «Яшил стратегия»сини қабул қилиш, шунингдек, СПЕКА Тадбиркор аёллари кенгашини тузиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Шунингдек, келаси йилнинг бошида Ўзбекистонда «Рақамли транспорт маршрутлари» халқаро форумини ўтказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича юқори даражадаги махсус ишчи гуруҳини тузиш ва унинг илк учрашувини 2024 йилда Самарқандда ташкиллаштириш таклиф этилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг СПЕКА саммитидаги иштироки ва илгари сурган халқаро ташаббуслари ҳалқаро сиёсий ҳамда эксперт доира вакиллари томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда.

➔ 2

**Эътироф**

# САМАРҚАНД – ГЛОБАЛ КОНФЕРЕНЦИЯ УЧУН МУНОСИБ МАНЗИЛ

*ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини 2025 йилда Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор ташкилот тарихидаги муҳим ва оламшумул воқеа бўлди. Чунки қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган ЮНЕСКО аньанадан воз кечиб, қирқ йилдан бери биринчи марта ўз тадбирини четда ўтказадиган бўлди. "Боқий учрашув марказ" мақомида танилган Самарқанд тарихий аҳамиятга молик жой сифатида танланди.*

Самарқанднинг рамзий ва муаззам манзил эканлигини инобатга олсак, унинг мезбон шаҳар сифатида танланиши ўта муҳим. Самарқанд ўзида маданий хилмахиллик, таълим ва тамаддунларaро мулоқот тамойилларини жамлаган бўлиб, бу ЮНЕСКОнинг мақсадларига ҳамоҳангликги билан улкан аҳамиятга эга. Шаҳар халқаро нуфузи, бой тарихи ва маданий мероси жиҳатидан ҳар икки йилда бир глобал масалаларни муҳокама қилиш учун тўпланадиган ЮНЕСКОга аъзо 194 та давлатнинг улкан микёсдаги тадбири учун муносиб манзил бўла олади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз миннатдорлик мактубида таъкидлаганидек, ушбу муҳим глобал микёсдаги тадбир халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг улкан цивилизацион салоҳиятини яна бир бор намойиш этишга хизмат қилади.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2025 йилда Самарқандда ўтказилиши ташкилот тарихида ўчмас из қолдиради. Зеро, ушбу йиғилишда ЮНЕСКОнинг навбатдаги бош директори сайланади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқи ва Президент Шавкат Мирзиёевни ушбу истиқболли ташаббус ва дипломатик муваффақият билан табриклайман.

**Сара НОШАДИ,**
**ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

**24 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг қирқ еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

➔ 3

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН МАХСУС ДАСТУРИ – СПЕКА САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ҳам уни шакллантириш учун ўз молиявий ҳиссасини қўшишга тайёр.

**Тўртинчидан,** бугун қабул қилинаётган Транскаспий мультимодал йўлаги бўйича маълумот ва ҳужжатлар алмашиш жараёнини рақамлаштиришга қаратилган "Йўл харитаси"ни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш тарафдоримиз.

Бу борада келгуси йилнинг бошида Ўзбекистонда мамлакатларимиз транспорт вазирлари, логистика компаниялари, юк ташувчилари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда соҳанинг етакчи экспертлари иштирокида "Рақамли транспорт маршрутлари" халқаро форумини ўтказишга тайёрмиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган институтлари билан минтақамизда транспорт боғлиқлигини кучайтириш бўйича йирик лойиҳаларни фаол илгари суриш ниятидамиз.

**Бешинчидан,** озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича юқори даражадаги махсус ишчи гуруҳини тузишни ва унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказишни таклиф этамиз.

Ушбу тадбирнинг кун тартибидан етакчи агросаноат корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, илмий-технологик алмашувларни рағбатлантириш ва ресурсларни тежайдиган илғор ечимларни жорий этиш, "экспресс" йўлакларни ишга тушириш каби масалалар асосий ўрин эгаллайди.

**Олтинчидан,** сув, энергетика, экология ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ўзаро узвий боғлиқ эканидан келиб чиқиб, СПЕКАнинг кенг кўламли янги концептуал ҳужжатини — кўп томонлама "Яшил стратегияси"ни қабул қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Табиийки, бундай ўткир ва тобора авж олиб бораётган муаммоларни минтақамиздаги ҳеч бир давлат якка ҳолда ўз кучи билан ҳал қила олмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлилларига кўра, сув тақчиллиги туфайли минтақамиз давлатлари ҳар йили қарийб 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда. Бундай мураккаб жараён янада кучайса, муаммолар комплекс ҳал этилмаса, келгусида аҳоли жон бошига сув билан таъминлаш кўрсаткичи 25 фоизга, ҳосилдорлик эса 40 фоизга қисқариб кетиши мумкин.

**Еттинчидан,** СПЕКА доирасида ишбилармон хотин-қизларнинг фаол ташаббусларини ва аниқ режаларини доимий ва тизимли рағбатлантириш мақсадида СПЕКА Тадбиркор аёллари кенгашини тузиш бўйича таклифимизни кўриб чиқишингизни сўрайман.

Саммитимиз арафасида ўтган бизнес учрашувлари бундай мулоқотлар дўст халқларимиз учун нақадар муҳим эканини яна бир бор исботлади.

Шунингдек, Кенгаш доирасида мамлакатларимиз равнақи ва иқтисодий тараққиётига, умумий ҳамкорлигимизга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган аёлларни "СПЕКА эътирофи" халқаро мукофоти билан тақдирлашни таклиф этаман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Маълум сабабларга кўра, бугунги учрашувимиз Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ва минтақавий барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланган Афғонистон давлати вакиллари иштирокисиз ўтмоқда.

Барча ҳамкасбларимга, Европа иқтисодий комиссияси ва ЭСКАТО раҳбариятига мурожаат этиб, уларни СПЕКА дастури доирасида афғон томони билан ишчи алоқаларни ўрнатиш ва ҳамкорликни қайта тиклашга чақираман.

Ушбу мамлакатни ўз муаммолари билан якка қолдириш мумкин эмас. Амалдаги ҳукумат билан халқаро мулоқот ўрнатилмаса, ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Фурсатдан фойдаланиб, икки кун муқаддам Парижда қабул қилинган, ЮНЕСКОнинг Бош Ассамблеяси сессиясини илк бор Марказий Осиёда — қадимий Самарқанд шаҳрида 2025 йилда ўтказиш бўйича тарихий қарорни қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Ушбу муҳим халқаро анжуман доирасида минтақамиз халқларининг буюк цивилизация салоҳиятини бутун жаҳонга тўлиқ намойиш этиш учун биргаликда қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон халқларимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минтақавий дастури доирасидаги кўп томонлама шерикликка содиқлигини яна бир бор тасдиқлайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# БМТНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТЛАРИ УЧУН МАХСУС ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, БМТнинг ихтисослаштирилган институтлари билан минтақада транспорт боғлиқлигини кучайтириш бўйича йирик лойиҳаларни фаол илгари суриш нияти билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси СПЕКА доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича юқори даражадаги махсус ишчи гуруҳини тузишни ва унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказишни таклиф этди.

— Ушбу тадбирнинг кун тартибидан етакчи агросаноат корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, илмий-технологик алмашувларни рағбатлантириш ва ресурсларни тежайдиган илғор ечимларни жорий этиш, "экспресс" йўлакларни ишга тушириш каби масалалар асосий ўрин эгаллайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Сув, энергетика, экология ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ўзаро узвий боғлиқ эканидан келиб чиқиб, СПЕКАнинг кенг кўламли янги концептуал ҳужжатини — кўп томонлама "Яшил стратегияси"ни қабул қилиш вақти келгани кўрсатиб ўтилди.

— БМТ таҳлилларига кўра, сув тақчиллиги туфайли минтақамиз давлатлари ҳар йили қарийб 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда. Бундай мураккаб жараён янада кучайса, муаммолар комплекс ҳал этилмаса, келгусида аҳоли жон бошига сув билан таъминлаш кўрсаткичи 25 фоизга, ҳосилдорлик эса 40 фоизга қисқариб кетиши мумкин, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ишбилармон хотин-қизларнинг фаол ташаббусларини ва аниқ режаларини доимий ва тизимли рағбатлантириш мақсадида СПЕКА Тадбиркор аёллари кенгашини тузиш таклиф қилинди.

Бундан ташқари, Президентимиз ушбу кенгаш доирасида мамлакатларимиз равнақи ва иқтисодий тараққиётига, умумий ҳамкорлигимизга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган аёлларни "СПЕКА эътирофи" халқаро мукофоти билан тақдирлаш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси ҳамкасбларга, Европа иқтисодий комиссияси ва ЭСКАП раҳбариятига мурожаат қилар экан, СПЕКА доирасида Афғонистон билан ишчи алоқаларни ўрнатиш ва ҳамкорликни қайта тиклашга чақирди.

— Ушбу мамлакатни ўз муаммолари билан якка қолдириш мумкин эмас. Амалдаги ҳукумат билан халқаро мулоқот ўрнатилмаса, ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз етакчиси икки кун муқаддам Парижда қабул қилинган, ЮНЕСКОнинг Бош Ассамблеяси сессиясини илк бор Марказий Осиёда — қадимий Самарқанд шаҳрида 2025 йилда ўтказиш бўйича тарихий қарорни қўллаб-қувватлагани учун барча иштирокчиларга алоҳида ташаккур изҳор этди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқларимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида СПЕКА минтақавий дастури доирасидаги кўп томонлама шерикликка содиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига амалий ташрифи доирасида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан музокара ўтказди.

Озарбайжон етакчиси Ўзбекистон Президентига БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитини қўллаб-қувватлагани ва унда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Озарбайжон Президентини СПЕКАда муваффақиятли раислик қилаётгани билан табриклади.

Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди, шу жумладан, олий даражада эришилган келишувлар ижроси кўриб чиқилди.

Тизим ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилгани, амалий мазмун билан бойигани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш 34 фоизга ошди. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва ипакчилик тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Транспорт ва логистика соҳасида истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Кимё, энергетика, заргарлик, машинасозлик, қурилиш ва бошқа йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Маданий-гуманитар алмашинувни янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президентини ўзи учун қулай вақтда расмий ташриф билан Ўзбекистонга боришга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПРАГМАТИК СИЁСАТИ

## унинг СПЕКА доирасидаги кўп томонлама, очиқ, амалий ва ўзаро манфаатли шерикликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади

1

**Макс САЙ, «Kingsley Strategic Institute» ижрочи директори (Малайзия):**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг СПЕКА йиғилишида иштирок этиши Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган минтақавий сиёсат ва минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Марказий Осиё стратегик географик жойлашуви ва муҳим бозор салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда бутун дунёни қизиқтиради. Айни пайтда минтақа иқтисодий ўсиш ва сармоявий фаолликнинг муҳим марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг конструктив сиёсати туфайли Марказий Осиёда қулай сиёсий муҳит шаклланганини ва давлат раҳбарлари ўртасида ишонч мустаҳкамланганини, турли мулоқот ҳамда ҳамкорлик платформалари ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон раҳбарининг саммит чоғида билдирган ташаббуслари СПЕКА доирасидаги кўп томонлама, очиқ, амалий ва ўзаро манфаатли шерикликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ишончим комилки, мазкур саммит натижалари Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари иқтисодий тараққиёти ва халқлари фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Элизабет ТУРК, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо департаменти директори:**



— Аввало, кейинги йилларда Ўзбекистон билан БМТ ЕИК ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашганини ва бугунги кунда халқаро савдо, транспорт, логистика, экология, энергетика ва инновациялар каби соҳаларни, жумладан, СПЕКА доирасидаги шерикликни қамраб олганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қайд этиш керакки, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон томонини Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишда эришилган муваффақият билан табриклайман. ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ишчи гуруҳнинг 2023 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган сўнгги йиғилишида мамлакатлар Ўзбекистоннинг фаоллашган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади, бу ички институтлар мустаҳкамланганидан далолат.

Савдони осонлаштириш шартларини яхшилашни ҳам таъкидлаш керак. Мамлакатда мураккабликлардан холи савдони амалга ошириш даражаси 2021 йилдаги 62 фоиздан 2023 йилда 85 фоизгача кўтарилди. Ўзбекистон қоғозсиз ва трансчегаравий савдони осонлаштириш бўйича чора-тадбирларни жорий этишда ҳам сезиларли ютуқларга эришди.

Шу билан бирга, бу йил биз БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти бўйича Махсус дастури яратилганининг ва Тошкент декларацияси имзоланганининг 25 йиллигини нишонлаётганимизни таъкидламоқчиман. Шу нуқтаи назардан, Бокудаги СПЕКА саммити муҳим ва тарихий аҳамиятга эга. Чунки бу ташкилот 1998 йил март ойида ташкил этилганидан буён СПЕКА мамлакатлари раҳбарларининг биринчи учрашувидир.

Давлат раҳбарлари, жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг олий даражадаги саммитда қатнашиши СПЕКА доирасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлайди. Чунки авваллари вазирликлар ва эксперт гуруҳлари вакиллари даражасида учрашувлар ўтказилган эди, холос.

Қайд этиш жоизки, БМТ ЕИК Ўзбекистонга БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда бундан кейин ҳам ёрдам беришга тайёр.

**Денис БЕРДАКОВ, қирғизистонлик эксперт:**



— Ҳозирги воқеликда ҳар қандай интеграцион бирлашма глобал муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва логистика масалаларини муҳокама қилиш учун муҳим платформа ҳисобланади.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Боку шаҳрида юқори даражадаги СПЕКА йиғилишини ўтказиш ташаббуси минтақа давлатларининг экспорт салоҳиятини ошириш ва иштирокчи мамлакатлар ҳудудлари орқали юклар транзитини кўпайтиришдан манфаатдор эканидан далолат беради.

Бу борада Ўзбекистон кейинги йилларда иқтисодий кўрсаткичлари сезиларли ўсишни кўрсатаётган минтақадаги асосий давлатлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон барча қўшни давлатлар, шунингдек, Озарбайжон билан товар айирбошлашни сезиларли даражада оширишга эришди. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг Хитой, Европа, Жанубий Осиё ва Яқин Шарққа логистика йўналишларини ривожлантиришини янада рағбатлантиради.

Бутун минтақага назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиёнинг Хитойдан ғарбий ва жануби-ғарбий йўналишда келаётган юкларнинг катта қисми ўтадиган асосий савдо ва логистика марказига айланиши учун яхши имконият мавжуд. Бу борада Хитойдан юкларни тезроқ ва арзонроқ етказиб бериш имконини берувчи Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

**Муҳаммад АМИН, Сингапурнинг «Stie Pte Ltd» компанияси вице-президенти:**



— Бокуда бўлиб ўтган СПЕКА саммити Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлайдиган воқеадир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур тадбирда иштирок этиши Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро мулоқотдаги роли тобора ортиб бораётганидан далолат.

Саммитда муҳокама қилинган минтақа давлатлари ўртасидаги иқтисодий, савдо-сармоявий ва транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришга доир асосий масалалар иқтисодий интеграция ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги олдинга ташланган қадам бўлиб, Марказий Осиёда барқарор ўсиш ва фаровонликка эришиш учун замин яратади.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш ҳудуддаги иқтисодий вазиятни яхшилаш, давлатлар ўртасида тинч ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги ечим ва стратегияларни топишга ёрдам беради.

Ишончим комилки, саммит якунлари Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очади.

**«Дунё» АА.**

**Давра суҳбати**

# ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР

*Бугун мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқий давлат барпо қилишнинг асоси бўлган кенг кўламли иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Ушбу жараёнда маҳаллий вакиллик органлари — халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари иштироки ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардандир.*

Зеро, маъмурий-ҳудудий бирлик аҳолиси томонидан сайланадиган Кенгаш вилоят, туман ва шаҳарнинг тегишли ижро ҳокимияти раҳбари (ҳокими), шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари олдида фуқаролар манфаатларини ифода этишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Бинобарин, маҳаллий вакиллик органлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашдан ташқари, уларнинг ижро ҳокимияти томонидан бажарилишини назорат ҳам қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда қатор маҳаллий, халқаро ва хорижий ташкилотлар иштирокида Навоий вилоятида ўтказилган "Ҳудудларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш" мавзуидаги халқаро давра суҳбати халқ депутатлари Кенгашларининг ҳудудлар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги салоҳиятини тўлиқ ишга солиш масалаларига бағишланди.

Давра суҳбатида иштирок этган Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов ушбу масаланинг нечоғли долзарб экани ҳақида сўз юритди.

— Маҳаллий вакиллик органларининг ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳаракатларига тўсқинлик қилаётган омилларни, тизимли муаммоларни аниқлаш ва танқидий таҳлил этиш ниҳоятда зарур, — деди Р. Алимов. — Ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида маҳаллий Кенгашларнинг давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим. Шу маънода, бугунги давра суҳбатининг аҳамияти катта бўлди, дейиш мумкин. Чунки мазкур тадбир илғор халқаро тажрибани ўрганиш имконини берди.

Давра суҳбати доирасида Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда "GIZ"нинг ҳудудий ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Инклюзив ривожланиш бўйича дастур таҳлилчиси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар мутахассислари ўз маърузалари билан онлайн тарзда иштирок этди.

**Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).**

# АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР ҚОНУНДА АКС ЭТДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати — "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Таъкидлаш лозим, ушбу ҳужжат муҳокамалари аввалги йиллардагига қараганда ўзгача бўлди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир бандида белгиланган вазифаларни чуқур таҳлил қилди. Халқона тилда айтганда, етти ўлчаб, бир кесди.*

**Фикр**

Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари ҳамда Ҳукумат вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича кўплаб кенгайтирилган йиғилишлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Фракциялардаги муҳокамалар жараёни ҳам қизғин ўтди. Эътиборлиси, депутатларнинг юздан ортиқ саволлари, таклиф ҳамда тавсиялари кўриб чиқилди ва уларнинг аксарияти лойиҳада ўз аксини топди.

Шунингдек, лойиҳа нормалари Президентимиз Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан уйғунлиги ва асослантирилгани ўрганилди. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида кўзда тутилган 5 та йўналиш ва 100 та мақсад бўйича 2024 йилда белгиланган тадбирларни молиялаштириш масалаларига аниқлик киритилди.

Таъкидлаш жоиз, фракция аъзолари 2024 йилги Давлат бюджети қонун лойиҳасини партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича муҳокама қилди. Мазкур жараёнда асосий эътиборни ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантириш мақсадларини янада кўпроқ молиялаштиришга қаратди.

Хусусан, 2024 йилнинг бюджетида ҳам бу соҳаларни молиялаштиришга етарли маблағ ажратилмоқда. Дарсликларни янгилаш, мактабларни реконструкция қилиш, янги мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларини қуриш, "Эл-юрт умиди" жамғармаси учун инвестицияларнинг сезиларли ортгани фикримиз исботи.

Таъкидлаш жоиз, "Эл-юрт умиди" жамғармасига 550 млрд. сўм ажратиш кўзда тутиляпти. Бу 1200 нафардан ортиқ ёшларимизга хориждаги нуфузли таълим муассасаларида билим олиши учун имконият яратилади, дегани. Шунингдек, докторант илмий ходимлар квоталари сонини 4,7 мингга етказиш, 500 нафар докторантура стажёрининг илмий фаолиятини молиялаштириш учун 1 трлн. сўм ажратилмоқда.

Фракция аъзолари яна бир муҳим масалага — Президентимизнинг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқиш бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ушбу масала қонун лойиҳасига масъул — Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ишчи гуруҳи билан биргаликда ўрганиб чиқилди ва асосли, деб топилди. Эндиликда ушбу тадбирлар бўйича ажратилган маблағлар 54 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Қисқача айтганда, қабул қилинган бюджет тўғрисидаги қонун аҳолининг фаровонлигини янада оширишга, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга, кўп қиррали алоқаларни фаоллаштиришга, қўйингки, барча соҳа ривожига хизмат қилади. Ўз навбатида, биз, депутатлар Давлат бюджетининг ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини янада кучайтирамиз.

**Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
«Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ



1

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси қабул қилиниб, мазкур стратегия доирасида муҳим ва долзарб йўналишлар бўйича мақсадлар белгиланган.

Муҳокама давомида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган вакиллик органларига сайловнинг аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизимини жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда референдум ва сайлов билан боғлиқ ўзгартишлар назарда тутилганлиги, шу сабабли амалдаги сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум бўйича қонунчиликни унга мувофиқлаштириш зарурати ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Кўриб чиқилган Конституциявий қонунга кўра Қонунчилик палатаси сайлови аралаш (мажоритар, пропорционал) сайлов тизими асосида ўтказилади. Унда Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (партиялар рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши назарда тутилган.

Яна бир муҳим масала — сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизига оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу билан бир қаторда, сайлов комиссияларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлар маъқулланди. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси тўққиз нафар аъзодан иборат таркибда сайланиши, Марказий сайлов комиссиясининг Раиси беш йиллик муддатга сайланиши, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг Раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан мазкур Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятида сиёсий партияларнинг ролини янада кенгайтиришга, Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизими жорий этилишининг ҳуқуқий асослари яратилишига хизмат қилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда "Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида"ги қонун муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб этиш, ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Ер юзидаги бугунги экологик омилларнинг кескин ўзгариши ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сақлаш ва асраб-авайлашни талаб этмоқда.

Шу боис ушбу қонун билан ер фондининг барча тоифасидаги тупроқнинг унумдор ва тупроқ ҳосил қилувчи қатламлари тупроқни муҳофаза қилиш объекти сифатида белгиланмоқда.

Қонунда тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги давлат назорати, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг ва ер участкалари ижарачиларининг тупроқни муҳофаза этиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланмоқда.

Қонунда тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, шунингдек, масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари, ерларни рекультивациялаш, тупроқ ҳолати ва сифатига таъсир этувчи лойиҳалар, воситалар ва технологияларни давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари ўз аксини топмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахслар томонидан тупроққа етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи белгиланмоқда.

Шаҳарсозлик фаолиятини, геологик қидирувни ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни, шунингдек, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатлами сидириб олинмаганлиги ва сақланмаганлиги факти аниқланган тақдирда, етказилган зарарнинг ўрни қопланиши мустаҳкамланмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида суғориладиган тупроқлар унумдорлигининг пасайиш жараёнларига барҳам берилиши ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклаш ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмининг ортиши ва тоза тупроқда сифатли ҳамда хавфсиз маҳсулот етиштириш имконияти кенгайишини таъкидладилар.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида "Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун соҳадаги халқаро тажрибадан ҳамда Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлар ва янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унда хусусийлаштиришнинг барча босқичи тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун даражасида белгиланмоқда.

Қонун билан хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, баҳолашдан ўтказиш, бошланғич нархни белгилаш, маслаҳатчиларни жалб этиш, савдоларни ўтказиш жараёнлари тартибга солинмоқда.

Шунингдек, хусусийлаштиришнинг қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, ҳисобдорлик, тенг рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда коррупцияга йўл қўймаслик каби асосий принциплари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунда акс этмаган электрон-онлайн аукцион ва биржа, шунингдек, музокараларга оммавий таклиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот асосида сотиш, корхонани ва кўчмас мулк объектини бошқа жамиятнинг устав фондига киритиш, корхоналарни кейинчалик сотиш шарти билан ижарага бериш каби хусусийлаштиришнинг янги турлари киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда хусусийлаштириш соҳасида Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ваколатлари аниқ белгиланмоқда.

Қонун билан хусусийлаштириш жараёнида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган меъёрлар киритилиб, унга кўра хусусийлаштириш тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар ва ҳар бир давлат активи савдо жараёнлари босқичлари тўғрисида маълумотлар Давлат активларини бошқариш агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, савдо ташкилотчиси ва воситачининг веб-сайтларида, республика ва маҳаллий даражадаги оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат активларини сотишда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартлари қонун даражасида белгиланмоқда ҳамда мулкни балансда сақловчининг жавобгарлиги кучайтирилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат активларини замонавий услублар асосида хусусийлаштиришнинг жадаллашишини, очиқ ва шаффоф бўлишини, барча харидорлар учун тенг рақобат муҳити яратилишини таъминлайди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мобиль қурилмалар ҳамда ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги аккаунт ёки каналларга зарарли дастур юбориш йўли билан блоклаб (тўсиб) қўйиш, маълумотларини ўчириб юбориш, ўзгартириш ёки олиб қўйиш билан қўрқитиб шахслардан пул ёки бошқа моддий манфаатдорлик талаб қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шунингдек, махсус дастурлар ёрдамида шахсларнинг фотосурати, овози ва бошқа биометрик маълумотларини сохталаштириш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Шу боис Жиноят кодексидаги (165-модда) товламачилик тушунчасига ўзгартириш киритилиб, шарманда қиладиган уйдирмалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, хориждан олиб келинаётган ёки блокланган уяли алоқа қурилмаларига маълум бир ҳақ эвазига ўзгаларнинг IMEI кодларини кўчириб бериш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Ҳозирда биргина IMEI кодида 5 011 та, яна бошқа бир IMEI кодида эса 2 347 та SIM карта бир вақтда фаол ҳолатдалиги аниқланган.

Қонунчиликда бундай ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан бирон-бир ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш белгиланмаган.

Шу сабабли қонунчиликдаги мазкур бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равишда ўзгартирганлик учун маъмурий жавобгарлик киритилмоқда.

Шу билан бирга, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ҳамда майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга оширганлик учун тегишли жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Ноқонуний крипто-активлар айланмаси ва майнинги билан шуғулланганлар ушбу жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни фош этишда ёрдам берган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилиниши сенаторлар томонидан қайд этилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши келгусида ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятларни фош этиш, уларга қарши курашиш ҳамда тергов қилишда барча куч ва воситаларни тўлиқ йўналтиришга, шунингдек, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ва қонунга хилоф равишда майнингни амалга ошириш учун жавобгарлик доирасини аниқ норма билан белгилаш имконини беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, Сенатнинг қирқ еттинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар томонидан муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда жорий йил катта сиёсий воқелик — умумхалқ референдуми ўтказилиб, унинг якунларига кўра, халқимиз хоҳиш-иродаси билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Ялпи мажлисда муҳокама этилган қонун ҳам янгиланган Конституцияга киритилган қоидалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ Конституциявий суд ваколатлари кенгайтирилиб, Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериши белгиланмоқда.

Конституциявий суд фақатгина ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланиши мустаҳкамланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳамда уларнинг бир хилда амалда бўлишига эришилади.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.**

---

**Қонунчилик палатаси қўмиталарида**

# ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИНГ ВЕРТИКАЛ ТИЗИМИ — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт ва молия вазирликларининг масъул вакиллари қатнашган тадбирда дастлаб оғир онкологик беморларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишда хосписларнинг роли, бугунги ҳолати ва муаммолари муҳокама қилинди.*



Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига онкологик тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона вертикал интеграциялаштирилган тизими яратилди. Соҳага профессионал кадрлар тайёрлашнинг замонавий илмий мактаби шакллантирилди. Шунингдек, онкология муассасалари юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши натижасида беморларда касалликнинг илк босқичларини аниқлаш имкони икки бараварга ошмоқда.

Йиғилишда Президентимиз ҳамда Ҳукуматнинг онкологик хизматни янада ривожлантириш ва онкологик касалликларнинг кечки босқичларини бошидан ўтказаётган беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга оид ҳужжатлар ижроси таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, кейинги йиллар давомида Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 4 та ҳудудлараро хоспис ташкил этилиши белгиланган эди.

— Хосписни ишга туширишдан кўзланган мақсад тузалмас дардларга чалинганлар, асосан, онкологик беморларга касалликнинг сўнгги босқичида паллиатив, яъни тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова. — Хосписларда беморлар сўнгги нафасларигача меҳр, эътибор, парвариш, руҳий мадад қуршовида яшаши, бунинг учун уларга барча шарт-шароит яратилиши керак. Қўмитамиз томонидан ўтказилган ўрганиш натижасида ҳозирги кунга қадар фақат Самарқанд ва Хоразм вилоятларида хоспислар ишга туширилгани аниқланди. Хоспислар маҳаллий ҳокимликлар маблағлари ҳисобига қурилиши белгиланган бўлиб, Президентимизнинг тегишли ҳужжатлари ижроси Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида ҳанузгача пайсалга солинмоқда. Ўтказилган йиғилишда онкология соҳасига алоқадор мутахассислар билан биргаликда масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг масъулларига мавзу юзасидан кескин саволларимизни бердик. Мазкур масала доим парламент назоратида бўлади ва биз, депутатлар тегишли ҳужжатларнинг ижросини мониторинг қилишда давом этамиз.

Йиғилишда беморларга тиббий-психологик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тиббий олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида паллиатив ёрдам беришга ихтисослашган мутахассисларни тайёрлаш, аҳоли ўртасида саратонни эрта аниқлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — қўмитанинг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддаси Бухоро ва Наманган вилоятларида ижро этилиши ҳолати бўйича ўтказилган ўрганиш якунлари тўғрисида"ги қарори ижроси мониторинги натижалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда қўмита қарорида вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш учун қулай шароитлар яратиш борасида берилган тавсия ва таклифлар юзасидан Соғлиқни сақлаш ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари тизимида амалга оширилган ишлар ҳолатига эътибор қаратилди.

Иштирокчилар болалар ўртасидаги тиббий кўриклар сифати ва самарасини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволаш чораларини кучайтириш, бунда соғлиқни сақлаш ҳамда мактабгача ва мактаб таълими тизимининг ўзаро ҳамкорлигини тўлиқ таъминлаш зарурлигини қайд этишди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# ҚУРУҚЛИК ЭКОТИЗИМЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги доирасида "Қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш" мавзуида семинар ўтказди.*

Таъкидланганидек, инсон фаолияти натижасида қуруқлик экотизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Минглаб турлар келгусида йўқолиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Ҳар йили 10 млн. гектарга яқин майдонда ўрмонлар вайрон бўлмоқда. Ўзбекистон эса ўрмонлари кам давлат ҳисобланиб, у билан қопланган майдон 8,7 фоизни ташкил қилади. Ўрмон фонди ерларининг энг катта майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида жойлашган.

Мутахассислар томонидан ҳар йили дунёда 100 миллион гектарга яқин соғлом ва унумдор ерлар йўқолиб бориши қайд этилди. Ушбу тенденцияни ҳисобга олган ҳолда, дунёда ер деградациясининг нейтраллигига эришиш учун 2030 йилгача 1,5 миллиард гектар майдонни тиклаш лозимлиги билдирилди.

Ўзбекистонда жорий йилда БМТнинг чўлланиш бўйича конвенцияси ижросини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-сессияси юқори савияда ўтказилиб, долзарб экологик муаммолар, хусусан, қурғоқчилик, чўлланиш, ерларнинг деградацияга учраши, чанг ва қум бўронларига қарши чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Тадбирда республикамизда чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилаётгани айтилди. Шулардан бири Орол денгизининг суви қуриган ҳудудида "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича олиб борилган ишлар бўлиб, ушбу ҳудудда 2019 — 2023 йиллар мобайнида қарийб 1,8 млн. гектардан ошиқ майдонда "яшил қопламалар" яратилгани таъкидланди.

Шунингдек, маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан халқаро келишувлар бўйича мажбуриятларни инобатга олган ҳолда, қуруқлик ва ички чучук сув экотизимларини, жумладан, ўрмонлар, сув-ботқоқлар, тоғлар ва қурғоқ ерларни сақлаш, тиклаш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлашда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича фикрлар билдирилди. Чўлланишга қарши самарали курашиш, деградацияга учраган ерлар ва тупроқларни, жумладан, чўлланиш ва қурғоқчиликдан зарар кўрган ерларни тиклаш орқали 2030 йилгача ер деградацияси нейтраллигига эришиш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Семинар якунида тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

# АГРАР СОҲАДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда аграр соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.*

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар (хизматлар) билан узлуксиз таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида плантация усулида барпо этилган интенсив боғ ва токзорлар ҳамда логистика объектларини тайёр ҳолда топшириш шарти билан лизингга бериш бўйича ҳам амалий ишлар қилиняпти. Жумладан, фермер хўжаликлари томонидан жорий йил баҳор мавсумида 18,9 минг гектар мевали боғлар барпо этилган бўлса, бугунги кунда 24 та лойиҳа асосида интенсив боғ ва токзорларни барпо қилиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, пиллачиликда кластерларни ташкил этиш, соҳани янада ривожлантириш бўйича ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар йўлга қўйилмоқда. Хусусан, 64,8 млн. долларлик ипак маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, соҳада 880 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланган.

Қайд этилганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш мақсадида ҳудудларда ишчи гуруҳ тузилган ҳолда дала четлари ва канал коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ерлар хатловдан ўтказилиб, улардан самарали фойдаланиш амалиётига ўтилди. Жумладан, республика бўйича жами 58,9 минг гектар, шундан 34,6 минг гектар дала четлари, 24,3 минг гектар коллектор-дренаж атрофидаги ер майдонлари аниқланиб, уларда экинларни жойлаштириш хариталари яратилган.

Соҳаларда олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг январь — октябрь ойларида 2 миллион 766 минг иш ўрни очилиб, қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар, аёллар ва хориждан қайтганларнинг доимий ва мавсумий бандлиги таъминланган.

Тадбирда озиқ-овқат етиштиришда муҳим йўналиш бўлган чорвачилик соҳасини ривожлантириш масаласига эътибор қаратилиб, сўнгги уч йилда қиймати 20,2 трлн. сўмлик 5 минг 323 та лойиҳа амалга оширилгани, 171 минг нафардан ортиқ доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилгани эътироф этилди.

Парламент аъзолари мутасаддилардан кун тартибидаги масала юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди, ўзаро мақсадли мулоқотлар асосида соҳани такомиллаштириб бориш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини айтиб ўтди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ҳамда қўмиталарнинг тегишли қўшма қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

---

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унинг дастлабки кунида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтариши кутилаётган қатор қонунлар ва бошқа масалалар қизғин муҳокамадан ўтказилди.*

*Мажлисда кўриб чиқилган қонунлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

**Муносабат**

### Сайлов ва референдум ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилмоқда

**Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси:**

— Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди, аксинча янгиланишларни тақозо этади. Буни кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва улар, ўз навбатида, барча соҳада янгиланишларни талаб қилаётгани мисолида кўриш мумкин.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳам ислоҳотлар самараси ўлароқ ишлаб чиқилди. Гап шундаки, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида олдимиздаги долзарб вазифалар белгилаб берилди, янги таҳрирдаги Конституцияда эса референдум ва сайлов билан боғлиқ ўзгартишлар ўз ифодасини топди. Бу сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янгилашни кун тартибига олиб чиқди.

Мазкур қонуннинг янгилиги сифатида Қонунчилик палатаси сайлови аралаш (мажоритар, пропорционал) сайлов тизими асосида ўтказилишини келтирса бўлади. Унга кўра Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (партиялар рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланади.

Яна бир муҳим янгилик эса сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдори номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизига оширилаётганидир.

Умуман, ушбу қонун парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар ролини янада кенгайтиришга ва пировардида жамият ҳаётида демократик жараёнларни тезлаштиришга хизмат қилади.

### Тупроқ унумдорлигини сақлаш — ҳаётий зарурат

**Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр
ва сув хўжалиги масалалари
қўмитаси раиси:**

— Барча давлатлар тараққиёти ва аҳоли фаровонлигида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳамма мамлакатда тупроқ муҳофазаси ва унинг унумдорлигига устувор даражада урғу бериб келинмоқда, агар таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашилмоқда. Бизда эса мазкур масала янада долзарброқ.

Ялпи мажлисда қизғин муҳокама этилган "Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида"ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Тўғри, охирги йилларда бу йўналишда катта ишлар бажарилди. Масалан, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб этиш ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо бутун дунёда экологик инқироз кузатилаётган, сув ресурслари камайиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур масалага янада жиддий ёндашиш талаб этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонунда тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги давлат назорати, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари ижарачиларининг тупроқ муҳофазаси ҳамда унумдорлигини ошириш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмоқда. Айни чоғда тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза этиш, тупроқ ҳолатини яхши сақлаш, шунингдек, масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари, ерларни рекультивация қилиш, тупроқ ҳолати ва сифатига таъсир этувчи лойиҳалар, воситалар ва технологияларни давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари ўз ифодасини топмоқда.

Шунингдек, қонунда яна қатор янгиликлар борки, буларнинг барчаси пировард натижада суғориладиган тупроқ унумдорлиги пасайишининг олдини олиш ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклаш ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш имконини беради.

### Ахборот технологияларининг салбий жиҳатлари ҳам бор…

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Бугун ахборот технологиялари шу қадар жадаллик билан ривожланмоқдаки, бутун дунё ундан ортда қолмаслик ҳаракатини қилмоқда. Негаки, айни чоғда бугунги тараққиётимизни ҳам, фаровонлигимизни ҳам шусиз тасаввур этиш мушкул. Аммо шуниям унутмаслик керакки, халқимизда "Бир яхшининг бир ёмони бор" мазмунидаги нақл кенг тарқалган. Яъни ахборот технологиялари биз учун янги имкониятлар эшигини очиши баробарида унинг ўзига хос салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Ялпи мажлисда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ана шу долзарб масала ечимига йўналтирилган.

Сир эмас, ҳозирги пайтда мобиль қурилмалар ҳамда ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги аккаунт ёки каналларга зарарли дастур юбориш йўли билан блоклаб (тўсиб) қўйиш, маълумотларини ўчириб юбориш, ўзгартириш ёки олиб қўйиш билан қўрқитиб шахслардан пул ёки бошқа моддий манфаатдорлик талаб қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Қолаверса, махсус дастурлар ёрдамида шахсларнинг фотосурати, овози ва бошқа биометрик маълумотларини сохталаштириш ҳолатлари учраб турибди.

Сўз юритилаётган қонун ана шу ҳолатларга чек қўйишга хизмат қилади. Жумладан, Жиноят кодексидаги (165-модда) товламачилик тушунчасига ўзгартириш киритилиб, шарманда қиладиган уйдирмалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равишда ўзгартирганлик учун маъмурий жавобгарлик киритилмоқда.

Қонунда яна қатор янгиликлар борки, буларнинг барчаси ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишда қўл келади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2023 йил 25 ноябрь

# ГЛОБАЛ МИҚЁСДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

## бугунги кунда яшил майдонларни кенгайтириш ва бу йўналишда ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда янада яққол намоён бўлади

*Инсониятнинг ўз тараққиёти йўлида табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиши атроф-муҳит мувозанатининг издан чиқишига сабаб бўляпти, десак, муболаға эмас. Глобал исиш натижасида сайёрамиз қутбларида минг йиллар давомида шаклланган муз қатламлари эриб бораётгани, тоғ чўққиларидаги қор қопламлари буғланиб, тобора камаяётгани бутун дунё аҳолиси учун хавф туғдиради.*

**Нуқтаи назар**

Қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиши, чўлланиш жараёнларининг жадаллашуви қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги барқарорликни бузиб, озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид соляпти. Шу жиҳатдан, бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири, деб атаётгани бежиз эмас.

Жорий йилнинг 1-2 декабрь кунлари Дубай шаҳрида бўлиб ўтадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси иштирокчиларининг 28-конференцияси доирасида Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича жаҳон саммитини ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унда айнан шу муаммолар ечимини муҳокама қилиш режалаштириляпти.

Дунёнинг деярли барча мамлакати, хусусан, Ўзбекистон делегацияси, нуфузли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятлари вакиллари тўпланадиган ушбу форум иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш, иқлим бўйича стратегиялар ва “яшил” энергетикага ўтишни молиялаштириш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Иқлим ўзгариши муаммоси Орол денгизининг қуриши оқибатида келиб чиққан экологик инқирозни бошидан кечираётган Марказий Осиё минтақаси учун энг ўткир муаммолардан бирига айланмоқда.

Яширишнинг ҳожати йўқ, дунёнинг кўплаб ҳудудларида инсонлар зироатчилик ва чорвачиликда фойдаланаётган ер майдонлари яроқсиз ҳолга келиб қоляпти. Айниқса, охирги йилларда чўлланиш оқибатлари яққол сезилмоқда. Марказий Осиё ҳам жаҳонда кескин чўлланаётган минтақалардан бири. Охирги йилларда юзага келган сув танқислиги деҳқончилик ерларида шўр ювишни ҳам мушкуллаштирди, бу эса тупроқ сифати янада ёмонлашиб, ҳосилдорлик пасайишига олиб келди.

Олимлар Ер сайёрасида чўлланишнинг асосий сабаблари сифатида аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, ўрмон ва дарахтзорлар кесилаётгани, тупроқ яйлов сифатида ҳаддан зиёд кўп фойдаланилаётгани, тупроқ эрозияси ҳамда иқлим ўзгаришини тилга олади ва бу омилларнинг таъсирларини камайтиришга чақиради. Бунинг энг самарали йўлларидан бири — дарахт экиш. Иккинчиси — қайта тикланадиган, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш.

Дунё миқёсида оладиган бўлсак, охирги 20 йил ичида 4,5 миллиардга яқин одамлар иқлим ўзгаришлари туфайли юз берган йирик табиий офатлардан азият чекди, 1,2 миллион киши ҳалок бўлди, иқтисодий зарар эса қарийб 3 триллион долларни ташкил этди.

### Минтақадаги музликлар майдони 30 фоиз камайди

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб, иқлим ўзгаришлари келтириб чиқарадиган оқибатларга кўпроқ мойил. Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари бундай салбий оқибатларни аллақачон бошдан кечирмоқда. Улардан энг асосийларини санаб ўтиш мумкин.

Биринчиси — музликлар майдонининг қисқариши. Сўнгги 50 — 60 йилда минтақадаги музликлар майдони 30 фоиз камайди. Қирғизистон ва Тожикистондаги кўп асрлик музликларнинг сезиларли даражада жадал эриши кузатиляпти. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши музликлар майдонининг 1,5 баравар, 4 даражага кўтарилиши эса 80 фоиз қисқаришига олиб келиши мумкин.

Иккинчиси — сув ресурсларининг етишмаслиги. Айтиш жоизки, минтақа мамлакатларида бу масала аллақачон танглик даражасига етган. Башоратларга кўра, 2050 йилга бориб, сув ресурслари Сирдарёда 5 фоизга, Амударёда 15 фоизгача қисқаради.

Учинчиси — чўлланиш жараёнлари ва ернинг деградацияси. БМТ маълумотларига кўра, ўтган 50 йилда минтақа мамлакатларида чўлланиш жараёни қамрови 15 — 20 фоиз ошган.

Тўртинчиси — Орол денгизи муаммоси. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи инқирози нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки глобал миқёсда ҳам салбий оқибатларга олиб келаётганини эътироф этмоқда. Охирги 40 йилда денгиз ўз майдонининг 57 фоизини, ҳажмининг 80 фоизини ва чуқурлигининг 64 фоизини йўқотди.

Ўзбекистон Орол денгизининг қуриши оқибатида унинг тубидан осмонга кўтарилаётган минглаб тонна тузли чангларнинг одамлар саломатлигига, деҳқончилик ва иқтисодиётга таъсиридан азият чекиб келаётганига анча бўлди.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Париж Битими қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган. Битимнинг мақсади БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий Конвенциясининг амалга оширилишини фаоллаштириш, глобал ўртача ҳароратни бир меъёрда сақлаб туришдан иборат. Бунинг учун 2050 йилгача “иссиқхона газлари” глобал ажратмаларини 40 — 70 фоиз камайтириш, 2100 йилга бориб эса 0 ёки манфий кўрсаткичга эришиш талаб этилади.

Ўзбекистон Париж Битимини 2017 йил 19 апрелда имзолаган бўлиб, 2018 йил 3 октябрь куни ратификация қилинди. Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси 2030 йилгача бўлган узоқ муддатли истиқболда иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича чора ва ҳаракатларни кучайтириш орқали “иссиқхона газлари” солиштирма ташламаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан ялпи ички маҳсулот бирлигида 10 фоизга қисқартиришни мўлжалламоқда.

Мазкур битимдан келиб чиқиб, иқлим ўзгаришига қарши кураш масаласида Ўзбекистон қатъий чора-тадбирлар кўраётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида экологик масалаларда, хусусан, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бугунги кунда мазкур масалаларда амалий ишларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мисол сифатида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг очилиши ёки Оролнинг қуриган тубида ўрмонзор ташкил этилаётгани, бир ярим миллион гектардан зиёд майдонда саксовул ва чўл ўсимликлари уруғлари сепилгани ва кўчатлари экилганини келтириш мумкин.

### Бирлашсакгина натижага эришамиз

Президентимиз нутқида Ўзбекистон томонидан Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида кўрилаётган чоралар, минтақамиздаги иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик даражасининг камайиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар келтирилди. Бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилиши, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформаси яратилиши ва минтақамизда қабул қилинган “Яшил тараққиёт” дастури доирасида тизимли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши барчага бирдек наф келтиради.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни жорий этиш таклифини илгари сурди. Қолаверса, Ўзбекистон томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳокама қилиш таклиф этилди.



Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа сифатида белгиланганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида атроф-муҳитни муҳофазалаш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш масалалари белгиланганн иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш учун хизмат қилади.

Глобал иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган экологик муаммоларни ҳал этишда барча давлатлар ҳамда инсоният бирлашсагина натижага эришади. Шуни унутмаслик лозимки, келажак авлод учун мусаффо осмон, гўзал табиат ва унинг бебаҳо неъматларини бекаму кўст етказиш бизнинг бурчимиздир.

Шу нуқтаи назардан, 2022 йил ноябрда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Самарқанд шаҳридаги саммити якунлари бўйича Ўзбекистон томонидан ШҲТ мамлакатлари ўртасида турли йўналишлар, хусусан, глобал иқлим исишига қарши чоралар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ШҲТ Иқлим кенгашини тузиш ташаббуси алоҳида қизиқиш уйғотди.

> *Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Париж Битими қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган. Битимнинг мақсади БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий Конвенциясининг амалга оширилишини фаоллаштириш, глобал ўртача ҳароратни бир меъёрда сақлаб туришдан иборат. Бунинг учун 2050 йилгача “иссиқхона газлари” глобал ажратмаларини 40 — 70 фоиз камайтириш, 2100 йилга бориб эса 0 ёки манфий кўрсаткичга эришиш талаб этилади.*

Президентимиз таъкидлаганидек, бундай кенгашнинг тузилиши ШҲТга аъзо мамлакатлар олимлари, экспертлари, экологлари ва бизнес вакилларининг мазкур йўналишдаги қўшма саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга имкон беради. Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Президентимизнинг ШҲТ Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси мантиқий ва ўз вақтида илгари сурилган бўлиб, давлат раҳбарларининг ташкилот саммити доирасида қабул қилинган “Иқлим ўзгаришига қарши чоралар тўғрисида”ги баёноти фонида, Орол денгизи экологик фожиасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф этиш нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

ШҲТ Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги ушбу ташаббус ташкилотга аъзо давлатлар томонидан ижобий қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди. Бунинг учун барча асослар етарли. Зеро, глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари миқёси чегара билмайди, айниқса, музликлар эриши, сув ресурсларининг қисқариши, қурғоқчилик ва ерлар деградацияси, табиий офатлар сонининг ошиши, флора ва фауна ноёб турларининг йўқолиб бориши ортга қайтмас тус олган. Бу иқлим билан боғлиқ салбий оқибатларнинг қисқача рўйхати.

Шундан келиб чиққан ҳолда нуфузли ташкилотлардан бири сифатида ШҲТ ушбу муаммони четлаб ўтолмайди. Иқлим соҳасида баёнотнинг қабул қилиниши, шунингдек, саммит доирасида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида тегишли ташаббуснинг илгари сурилиши ШҲТга аъзо мамлакатларнинг глобал иқлим чақириқларига нисбатан бефарқ эмаслигини ва чуқур ташвишда эканини намойиш этди. Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТнинг Душанбеда бўлиб ўтган саммитида “Яшил камар” дастури қабул қилинганини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

### Ўзбекистон кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор

Туркий давлатлар ташкилотининг Остона саммити доирасида ҳам мамлакатимиз Президенти томонидан экологияга оид долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Чунки Ўзбекистон бу соҳада кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумининг тузилиши бу йўлда муҳим қадам бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Бундай таъсирчан механизм ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган режаларга мосдир.

Давлатимиз раҳбарининг барча ташаббус ва таклифлари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича вазифалар билан ҳамоҳанг. Стратегияда кўрсатилган вазифаларга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 444 та яшил боғ барпо этилади. Бунинг учун барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасаларининг ҳудудида яшил боғлар ташкил қилинади.

Айниқса, йирик саноат корхоналари бу борада жонбозлик кўрсатиши назарда тутилган. Яъни 112 та йирик саноат корхонаси уч йил давомида 30 миллион туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ” барпо этиши белгиланган. Ўрмонлар майдонини кенгайтириш борасида ҳам вазифалар кўзда тутилган бўлиб, хусусан, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражасини 8,1 фоизга етказиш, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 миллион гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 200 минг гектар яшил майдонларни яратиш мақсад-вазифалари белгиланган.

Бундан ташқари, иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 400 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо қилинади. Бу эса, ўз навбатида, турли чанг-тўзонлар кўтарилишига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз глобал экологик хатарларга қарши курашиш бўйича кўп томонлама саъй-ҳаракатларда ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, 2023 йил 13 — 17 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида 130 дан ортиқ мамлакатлар делегациялари иштирокида БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-йиғилиши бўлиб ўтди ва унинг якуни бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Келгуси йилда Самарқандда Халқаро иқлим форуми бўлиб ўтиши режалаштирилган, унда Марказий Осиё мамлакатларининг иқлим билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси лойиҳаси муҳокама қилинади.

### Халқаро муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатлар

Бугунги кунда Ўзбекистон турли соҳалардаги халқаро муносабатларни тартибга солувчи кўплаб конвенция ва келишувларни имзолади ҳамда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Рио декларациясини имзолади, Иқлим ўзгариши Конвенцияси, Киото Протоколи, Монреаль Протоколига Лондон, Копенгаген, Монреаль, Пекин тузатишлари, Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция, Базель Конвенцияси, Ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси Конвенцияси, Бонн Конвенцияси, Рамсар Конвенцияси ва бошқа кўплаб экологик йўналишдаги халқаро шартномаларга қўшилди.

Ҳозирги кунда ушбу халқаро ҳужжатларда юклатилган мажбуриятларни бажариш бўйича сезиларли ўсишга эришилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган экологик сиёсат натижасида инсон саломатлигига хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳудудларда атроф-муҳит сифати яхшиланди ва экотизим барқарорлашди.

Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш, яъни кичик сув ҳавзаларини, ичимлик суви сувўтказгичларини қуриш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Охирги 20 йилда атмосферага ифлослантирувчи чиқиндиларни ташлаш 2,1 баравар, заҳарли оқова сувлар 2 баравар камайди. Пестицидлардан фойдаланиш охирги 5 йилда 5 баравар қисқарди. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Миллий қўриқхона, боғ, буюртма қўриқхона ва экологик марказлар ривожланди.

Айтиш жоизки, Дубай шаҳрида бўлажак “COP-28”да Ўзбекистон миллий, минтақавий ва глобал даражада иқлим ўзгаришига қарши курашни кучайтириш юзасидан қатор таклиф ва ташаббусларни илгари суради. Шунингдек, Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарияти томонидан “COP-28” раиси сифатида илгари сурилаётган муҳим ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Бу конференцияда 2015 йили Парижда эришилган келишув бўйича давлатлар амалга ошираётган ишлар ривожи кўриб чиқилади.

Ўша келишувга кўра, глобал ҳарорат кўтарилишини саноатлашув давридан аввалгига нисбатан 2 даража Цельсийдан пастроқ ушлаб туриш белгиланган. Олимлар ана шу даражани нисбатан хавфсиз деб ҳисоблайди. Бунинг учун дунёда углерод эмиссияси 2019 йилдан 2030 йилгача 43 фоизга қисқартирилиши керак.

Аммо ўтган йили БМТ томонидан қилинган сўнгги ҳисоб-китобларга кўра дунёда углерод эмиссияси қисқариш ўрнига 2010 йилдан бери 11 фоиз ошган. Айниқса, глобал Жануб учун иқлим ўзгариши хатарлари каттароқ.

Қисқача айтганда, Ер юзида глобал миқёсда иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги замонда, айниқса, бизнинг кам ўрмонли минтақамизда, асосан, қумли чўл ҳудудларида ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш улкан аҳамиятга эга.

Мазкур муҳим омил, шунингдек, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, маҳаллий аҳолининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича хабардорлигини ошириш, ерлардан барқарор фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётда самарали қўллашни ҳам тақозо этади.

**Баҳодир МИРЗАЕВ,**
**«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ректори, профессор.**

**Фахр**

# АФРУЗА ҲАМДАМОВА — ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ИЛК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

*Италиянинг Монтесильвано шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Афруза Ҳамдамова қизлар орасида Ўзбекистон тарихида илк жаҳон чемпионига айланди.*



Нуфузли мусобақада дунёнинг 92 давлатидан келган жами 766 нафар шахматчи 14, 16, 18 ёш тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда. Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини уч нафар шахматчи ҳимоя қилмоқда.

Афруза Ҳамдамова 14 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида ғолиблик учун беллашди. Жаҳон чемпионати давомида Ливан, Грузия, Мексика, Франция, Қозоғистон, Россиядан келган тенгқурларини мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи 10-турда Афруза Ҳамдамова россиялик Анна Шухманга қарши баҳс олиб борди ва ғалабага эришди. Шу тариқа ўзбекистонлик ёш шахматчи муддатдан аввал жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Эътиборли жиҳати, унга очколар бўйича етиб олиши мумкин бўлган ягона таъқибчиси — қозоғистонлик шахматчини ўзаро ўйинда мағлуб этган. Турнир регламентига кўра, очколар тенг келиб қолса, ўзаро беллашув натижаси инобатга олинади.

Бунгача ҳамюртларимиздан Гулруҳбегим Тоҳиржонова ва Баҳора Абдусатторова жаҳон чемпионатларида ўз ёш тоифаларида кумуш медалларни қўлга киритишган эди.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

**JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI**

**quyidagi lavozimlarga tanlov e’lon qiladi:**

**Ingliz tili kafedrasi** — dotsent, katta o‘qituvchi, o‘qituvchi;
**Roman-german tillari kafedrasi** — katta o‘qituvchi (nemis, fransuz tillari), o‘qituvchi (italyan, nemis tillari);
**Sharq tillari kafedrasi** — o‘qituvchi (arab tili, xitoy tili);
**O‘zbek va rus tillari kafedrasi** — dotsent (rus tili, jismoniy tarbiya), katta o‘qituvchi (o‘zbek tili, jismoniy tarbiya), o‘qituvchi (rus tili);
**Siyosatshunoslik kafedrasi** — dotsent, katta o‘qituvchi, o‘qituvchi;
**Xalqaro munosabatlar kafedrasi** — dotsent, katta o‘qituvchi, o‘qituvchi;
**Xalqaro iqtisodiyot kafedrasi** — professor, o‘qituvchi;
**Xalqaro moliya va investitsiyalar kafedrasi** — o‘qituvchi;
**Tizimli tahlil va matematik modellashtirish kafedrasi** — professor, o‘qituvchi;
**Fuqarolik huquqi va xalqaro xususiy huquq fanlari kafedrasi** — professor, dotsent, o‘qituvchi;
**Xalqaro huquq va ommaviy huquq fanlari kafedrasi** — o‘qituvchi.

*Hujjatlar (ariza, fotosuratli shaxsiy varaqa, tarjimai hol, oliy ma’lumot, ilmiy daraja va unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro‘yxati) ushbu e’lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Toshkent shahri, Mustaqillik shohko‘chasi, 54-uy (e-mail: kadrlar_bulimi@uwed.uz, telefon: 71-267-65-40) manzilida qabul qilinadi.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамоаси масъул ходим Салих Маруфович Исраиловга онаси **Халима Усмановна ИСРАИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти раҳбарияти ва ходимлари институтнинг етакчи илмий ходими, санъатшунослик фанлари доктори **Валентина Витальевна ЛУНЁВАнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.10 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6